

Набий ва Расул орасидаги фарқ | Ақийда дарслари (296-дарс)



19:00 / 30 сентябрь 781

Набий ва Расул орасидаги фарқ ҳақида бир неча фикрлар зикр қилинган:

1. Аллоҳ кимга осмондан хабар берса-ю, ўша хабарни бошқаларга етказишни амр қилса, ўша одам набий ва расулдир. Аммо бошқаларга етказишни амр қилмаса, набийдир, расул эмас. Бу (айтилган фарқларнинг) энг яхшиси.

Хулоса шуки, расул ўзига келган пайғамбарликни ўзгаларга етказишга амр қилингандир. Набий эса бунга амр қилинмаган. У пайғамбарликни бошқаларга етказадими, етказмайдими, барибир.

2. Расул умумий бўлиб, фаришталардан ҳам, башардан ҳам бўлаверади. Аллоҳ таолонинг

إِنَّهُ لَقَوْلُ رَسُولٍ كَرِيمٍ ﴿١٩﴾

«**Албатта, у (Қуръон) ҳурматли элчининг сўзидир**» (Таквир сураси, 19-оят) деган сўзида Жаброил алайҳиссалом ирода қилинган.

يُفَرِّطُونَ لَا وَهُمْ رَسُولُنَا تَوَفَّتْهُ الْمَوْتُ أَحَدَكُمْ جَاءَ إِذَا حَتَّى



«Ниҳоят, бирортангизга ўлим келганда элчиларимиз камчиликка йўл қўймаган ҳолда уни вафот эттирадир», (Анъом сураси, 61-оят) деган сўзида ҳам фаришталар ирода қилинган.

3. Расул янги шариат билан келади. Набий янги шариат билан келмайди. Балки олдинги шариатга амал қилади ва уни ўзгаларга ҳам еткази. Бу машҳур фарқдир.

ءَايِبُنَّ آلَ الْمُتَأَخَّرِينَ

Ва албатта, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам анбиёларнинг сўнггисидирлар.

Шарҳ: Яъни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбарликларидан кейин анбиёлар келиши поёнига етди, тўхтади. У киши соллаллоҳу алайҳи васаллам пайғамбарлик қасрининг охириги ғиштидирлар. Аллоҳ таоло у киши соллаллоҳу алайҳи васаллам билан пайғамбарлик қасрини камолга етказиб, эшигини ёпди.

Аллоҳ таолонинг қуйидаги ояти бунга далилдир:

فَلْيَكُنْ مِنَ الَّذِينَ خَاتَمَ اللَّهُ رَسُولَهُ وَلَكِنْ

«Лекин Аллоҳнинг Расули ва набийларнинг сўнггисидир» (Аҳзоб сураси, 40-оят).

هِيَ لَعْنَةُ هَلْ لَّا يَلَّصُ هُلُوقًا وَ
لَتَمَّ وَيَلْتَمَّ «مَلَسَ وَ
نَسُحُ أُرْصَقِ لَتَمَّ كِءَايِبُنَّ أَلَا
عَضُومٌ هُنَّ مَلَكُوتٌ وَ هُنَّ أَيُّنُ ب
رَاطُنَّ لَإِ هِبَ فَاطْفِءُةً نَبَل
نَسُحُ نَمَ نُوْبُجَعَتِي
كُلَّتْ عَضُومٌ أَلِ هُنَّ أَيُّنُ ب
أَهْرِيغَ نُوْبِيغِي أَلِةً نَبَلْ لَ
عَضُومٌ تَدَدَسُ أَنْ تَنْكُفُ
يَبُّ مَتَفِءُةً نَبَلْ لَ كُلَّتْ

«لُسُرلَا يَبَم تُوخُو نَأِي نُبُلَا
يَبَأ نَع رَكَاسَعُ نُبَأ هَأَوْرَا
(هُنَعُ هَلَلَا يَضَرَّهَ زِيَرُه).

Ва Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Мен ва мендан олдинги
анбиёлар худди яхшилаб, чиройли қилиб қурилган ва бир
ғиштининг ўрни қолдириб қўйилган бир қасрга ўхшаймиз.
Қараганлар уни айланиб кўриб, биноларининг чиройига қойил
қолишади. Мана бу ғиштнинг ўрни мустасно. Ундан бошқасидан айб
топмайдилар. Мен ўша ғиштнинг ўрнини қоплайман. Мен билан бино
тамомланади, мен билан расуллар ниҳоясига етади», деган сўзлари
(Ибн Асокир Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган).

هَيْلَعُ هَلَلَا يَلَّصُ هَلْوَاقُو
أَنَا بَأَمَسَا يَلَّ نَا «: مَلَّسَو
يَحَامَلَا أَنَاوُ، دَمَحَا أَنَاوُ، دَمَحُمُ
رَفُكُلَا يَبُ هَلَلَا وَخَمَي يَدَّلَا
رَشَحِي يَدَّلَا رَشَاخَلَا أَنَاوُ
أَنَاوُ، يَمَدَقُ يَلَعُ سَأَنَلَا
هَدَعَبَ سَيَلَّ يَدَّلَا بَقَاغَلَا

يُرَاخُ بُلَا هَاوَر). «يَبَن
مَغَطْمَنَنْبِزِي بُج نَعُ مَلْسُ مَو
(هُنَّعُ هَلَلَا يَضَر).

Ва Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Албатта, менинг бир неча исмларим бор. Мен Муҳаммадман. Мен Аҳмадман. Мен Моҳий - ўчирувчиман. Аллоҳ мен билан куфрни ўчиради. Мен Хошир - тўпловчиман. Одамлар қадамим остида тўпланадилар. Мен Оқиб - ортидан бирор набий келмайдиган зотман», деган сўзлари (Бухорий ва Муслим Жубайр ибн Мутъим розияллоҳу анҳудан ривоят қилишган).

هَيْلَعُ هَلَلَا يَلَّصُ هَلْوَ قَو
نُوكُيَسُ هَنَّأَو...» : مَلْسَو
، نُوْبَادْكَ نُوْثَالَتْ يَتْمُأ يِف
انْأَو ، يَبَن هَنَّأُ مَغَزِي مَهْلُك
يَبَن آل ، نِيَّيَبْنَلَا مَتَاخ
يِذْمَرَّتَلَا هَجْرَخَأ). «يَدَعَب
يَضَرَّ نَابُوثُ نَعُ مَكَاخَلَاو
(هُنَّعُ هَلَلَا).

Ва яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Албатта, келажакда менинг умматимда ўттизта каззоб бўлади. Ҳаммаси ўзини набий деб даъво қилади. Ҳолбуки, мен набийларнинг сўнггисиман. Мендан кейин набий йўқдир», деган сўзлари (Термизий ва Ҳоким Савбон розияллоҳу анҳудан ривоят қилишган).

هَيْلَعُ هَلَلَا يَلَّصُ هَلْوَ قَو
يَلَعُ تَلُّضُ فُ «مَلَّسَ وَ
تِي طُعُ أَيْ سَبَّ أَيْ بَنَّا
تُرْصُنَّ وَ مَلَكُ لَاعِمَ أَوْج
يَلُ تَلْحُ أَوْ بَعْرُ لَاب
ضُرَّ أَلَا يَلُ تَلْعُ جَوُ مَيْئَانَعُ لَا
يَلُ تَلْسُ رَأُو ، أَرُوهُ طَوُ أَدِجُ سَم
يَبَّ مَتُّخُ وَ ، هَفَاكَ قَلَّخُ لَا
مَلْسَمُ هَاوْرُ) . نَوِي بَّنْ لَا
ةَ رِيْرُهُ يَبَّ أُنَعُ يَذْمُرْتَلَا وَ
(هُنَعُ هَلَلَا يَضَرَّ

Ва яна Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «**Анбиёлардан олти нарсга ила афзал қилиндим. Менга жамловчи калималар берилди. Менга қўрқинч ила нусрат берилди, ўлжалар ҳалол қилинди, ер масжид ва покловчи қилинди, барча халойиққа Пайғамбар этиб юборилдим ва мен ила набийлар хотималанди**», деган сўзлари.

Муслим ва Термизий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилишган.

Ақийдатут Таҳовия шарҳининг талхийси» китобидан

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 5 октябрдаги 03-07/7619-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.